


## XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи<sup>1</sup> 2018 йил декабрь ойида 2 561,3 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 29,1 % га ўсди. 2018 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 822,2 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 25,0 % га ўсди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларининг ахборот ва алоқа (33,8% га), саноат (30,6% га), банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятларида (29,9 % га), қурилиш (29,2% га) кузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - 3 500,5 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 92,1 %га юқори), ахборот ва алоқада - 3 347,5 минг сўм (83,7 % га), саноатда - 2 731,1 минг сўм (49,9 % га), ташиш ва сақлашда - 2 507,4 минг сўм (37,6 % га), қурилишда - 2 297,3 минг сўм (26,1 % га) кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (2018 йил январь-декабрь)**



<sup>1</sup> Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

Республика бўйича ўртача реал ҳисобланган иш ҳақи 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 1 550,4 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 6,4 % га ўсди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача  
ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Январь-декабрь		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1 457,8</b>	<b>1 822,2</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	2 090,7	2 731,1	143,4	149,9
Қурилиш	1 777,9	2 297,3	122,0	126,1
Савдо	1 676,5	1 990,3	115,0	109,2
Ташиш ва сақлаш	2 028,6	2 507,4	139,2	137,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 037,9	1 260,4	71,2	69,2
Ахборот ва алоқа	2 502,2	3 347,5	171,6	183,7
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	2 694,7	3 500,5	184,9	192,1
Таълим	1 160,2	1 396,4	79,6	76,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш	979,4	1 173,1	67,2	64,4
Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	1 381,9	1 652,4	94,8	90,7
Бошқа фаолият турлари	1 261,8	1 711,2	86,6	93,9

2018 йил январь-декабрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 225,8 АҚШ долларини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 79,3 % ни ташкил этди (1 АҚШ доллари 2017 йил январь-декабрда 5121,14 сумни, 2018 йил январь-декабрда 8068,87 сумни ташкил этган).

**Таълим соҳасида ишловчиларга** ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 396,4 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 20,4 % га ўсди.

## Таълим иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2018 йил январь- декабрь; кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан баланд:

Тошкент ш.

**1 765,9** минг сўм

Жиззах вилояти

**1 462,3** минг сўм

Тошкент вилояти

**1 439,1** минг сўм

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан паст:

Қашқадарё вилояти

**1 273,0** минг сўм

Хоразм вилояти

**1 281,7** минг сўм

Фарғона вилояти

**1 300,2** минг сўм

Таълим соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори, Тошкент шаҳрида 1765,9 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 126,5 %), Жиззах вилоятида 1462,3 минг сўмни (104,7 %) ва Тошкент вилоятида 1439,1 минг сўмни (103,1 %) ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоятида 1273,0 минг сўмни (91,2 %), Хоразм вилоятида 1281,7 минг сўмни (91,8 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Саноат** соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2731,1 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 30,6 % га ўсди.

## Саноат иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2018 йил январь-декабрь, кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан баланд:

Қорақалпоғистон Республикаси

**3 246,5** минг сўм

Навоий вилояти

**3 215,1** минг сўм

Тошкент ш.

**3 177,8** минг сўм

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан паст:

Наманган вилояти

**1 628,6** минг сўм

Жиззах вилояти

**1 821,6** минг сўм

Сирдарё вилояти

**1 934,4** минг сўм

Саноат соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Қорақалпоғистон Республикасида 3246,5 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 118,9 %), Навоий вилоятида 3215,1 минг сўмни (117,7 %), Тошкент шаҳрида 3177,8 минг сўмни (116,4 %) ва Тошкент вилоятида 2932,6 минг сўмни (107,4 %) ташкил этган бўлса, Наманган вилоятида 1628,6 минг сўмни (59,6 %), Жиззах вилоятида 1821,6 минг сўмни (66,7 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1173,1 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 % га ўсди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 1404,5 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 119,7 %), Бухоро вилоятида 1290,1 минг сўмни (110,0 %), Қорақалпоғистон Республикасида 1276,5 минг сўмни (108,8 %) ва Жиззах вилоятида 1257,1 минг сўмни (107,2 %) ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоятида 1008,1 минг сўмни (85,9 %), Самарқанд вилоятида 1081,7 минг сўмни (92,2 %), Сурхондарё вилоятида 1090,8 минг сўмни (93,0 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

## Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2018 йил январь-декабрь; кичик тадбиркорлик субъектларида ташқари)



Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан баланд:

Тошкент ш.

**1 404,5** минг сўм

Бухоро вилояти

**1 290,1** минг сўм

Қорақалпоғистон Республикаси

**1 276,5** минг сўм

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан паст:

Қашқадарё вилояти

**1 008,1** минг сўм

Самарқанд вилояти

**1 081,7** минг сўм

Сурхондарё вилояти

**1 090,8** минг сўм

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3500,5 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 29,9 % га ўсди.

Мазкур соҳалардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 4694,0 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 134,1%) ташкил этган бўлса, Сирдарё вилоятида 2346,0 минг сўмни (67,0%), Тошкент вилоятида 2566,3 минг сўмни (73,3%) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

## Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2018 йил январь-декабрь; кичик тадбиркорлик субъектларида ташқари)



Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан баланд:

Тошкент ш.

**4 694,0** минг сўм

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан паст:

Сирдарё вилояти

**2 346,0** минг сўм

Тошкент вилояти

**2 566,3** минг сўм

Фарғона вилояти

**2 638,2** минг сўм

Ўртача ойлик иш хақи кўрсаткичини республика худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, энг юкори миқдори Тошкент шаҳрида - 2570,4 минг сўми (республикадаги ўртача ойлик иш хақиға нисбатан 1,4 марта), Навоий вилоятида - 2371,0 минг сўми (130,1 %) ташкил этган.

## Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи

(2018 йил январь-декабрь; кичик тадбиркорлик субъектларида ташқари)



Республикадаги ўртача ойлик иш  
хақидан баланд:

Тошкент ш.

**2 570,4** минг сўм

Навоий вилояти

**2 371,0** минг сўм

Республикадаги ўртача ойлик иш  
хақидан паст:

Самарқанд вилояти

**1 431,3** минг сўм

Наманган вилояти

**1 434,5** минг сўм

Сурхондарё вилояти

**1 473,2** минг сўм

Ўртача ойлик иш хақининг энг паст кўрсаткичлари Самарқанд (1431,3 минг сўм), Наманган (1434,5 минг сўм) ва Сурхондарё (1473,2 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Бу вилоятларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи кўрсаткичлари республикадаги ўртача ойлик иш хақиға нисбатан мос равишда 21,5 %, 21,3 % ва 19,2 % га кам бўлган.





**Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Январь-декабрь		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1 457,8</b>	<b>1 822,2</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 386,5	1 730,7	95,1	95,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1 346,6	1 668,4	92,4	91,6
Бухоро	1 407,2	1 709,3	96,5	93,8
Жиззах	1 270,7	1 543,8	87,2	84,7
Қашқадарё	1 343,0	1 621,3	92,1	89,0
Навоий	1 943,0	2 371,0	133,3	130,1
Наманган	1 139,7	1 434,5	78,2	78,7
Самарқанд	1 163,4	1 431,3	79,8	78,5
Сурхандарё	1 183,0	1 473,2	81,1	80,8
Сирдарё	1 257,8	1 540,1	86,3	84,5
Тошкент	1 567,0	2 063,1	107,5	113,2
Фарғона	1 215,0	1 503,2	83,3	82,5
Хоразм	1 212,1	1 488,9	83,2	81,7
Тошкент ш.	2 011,2	2 570,4	138,0	141,1